



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017 -yil 06 06

TOSHKENT

№ 961-НЗ

**«Меҳнат муҳофазаси ва саноат
хавфсизлиги бўйича мониторинг
ўтказиш тўғрисида»**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, хавфсиз иш шароитларини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш, электр хавфсизлигини, хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланишни ва техник назаратини кучайтириш мақсадида, **буюраман:**

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Р.Асомхўжаевга:

Меҳнат муҳофазаси, хавфли саноат объектлари ва экология ҳолати бўйича жамият корхоналарида тасдиқланган йиллик жадвалга асосан 2017 йил июн ойида “Қарши МТУ” УК тасарруфидаги корхоналар, ПМС-214, “Қарши” темир йўл шифохонаси, МСЭС Қарши филиали, “Қарши” ёқилғи омбори, “Қарши” харбийлаштирилган кўриқлаш отряди, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ Қарши филиали, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ Қарши филиали, Махсус механизациялашган йўл станциясида (СПМС) мониторинг ўтказилсин.

1.1. “Қарши МТУ” УК да мониторинг ўтказиш учун куйидаги меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси мутахассислари 2017 йил 07 июнидан 21 июнигача хизмат сафарига юборилсин:

Ҳахимжонов Б.А. – меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи;

Асалов Б.М. – меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси;

Толабоев Ж.В. – меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

Абдурахманов Ш.А. – меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси экология бўйича муҳандиси.

1.2. Махсус механизациялашган йўл станциясида (СПМС) мониторинг ишлари 2017 йил 22-23 июн кунлари амалга оширилсин.

2. Мониторинг ўтказиш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибо қаратилсин:

• меҳнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошлиқлар, ўринбосарлар ва бош муҳандисларнинг шахсий меъёри мажбуриятларини бажарилиши;

меҳнат муҳофазаси ва иш шароитларини яхшилаш бўйича йиллик дастурнинг амалда бажарилиши;

меҳнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолати таҳлили ва келажакда меҳнат муҳофазасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқилганлиги;

меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандисларининг ишларни ташкиллаштирилиши, доимий амалдаги комиссия ва ходимларнинг билимлаштурувидан ўтганлиги;

иш жойларини шаходатлашдан ўтказиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинганлиги;

меҳнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, қондалар ва низомларнинг бажарилиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида (кўтариш иншоотлари, сув иситиш ва буғ қозонлари, босим остида ишловчи сифимлар) юк кўтариш кран ости йўллари техника ҳолатларига;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини режалаштирилган оғоҳлантирувчи таъмирда (ППР) технологик жараёнларини тасдиқланганлиги ва амалда бажарилиши, ултратовушли диагностика ва металл қисмларига путур етказмаслиги усули билан хизмат муддатини узайтириш ишларида;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини, юк кўтариш мосламаларини (чалқас, траверса, тросс, тара, грейфер, крюк, захват ва х.к.) техника паспортларини мавжудлиги, белгиланган муддатларда тегишли ёзувлар киритилганлиги;

саноат хавфсизлиги бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2016 йил 2 февралдаги 77-Н сонли буйруқни, ҳамда 2014 йил 30 июндаги 249-Н сонли “Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишини ташкил қилиш” буйруқларини бажарилиши бўйича;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишлатилиши билан боғлиқ ходимларни Давлат тест маркази лицензиясига эга махсус ўқув курсларидан ўқитилиши ва ишга қўйиш тартибларига.

3. Мониторинг натижаларига асосан далолатнома тузилиб, муҳокам ўтказилсин ва ишларни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар берилсин.

4. “Қарши МТУ” УК бошлиғи С.А.Норкабиловга:

мониторинг ўтказишда “Қарши МТУ” УК бош муҳандиси ва меҳнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштироқи таъминлансин, автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин;

аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбир, жадвал ишлаб чиқилсин ва меҳнат муҳофазаси техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Махсус механизациялашган йўл станцияси бошлиғи А.Р.Одилов, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ бош директори Ў.С.Астановга, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга:


мониторинг ўтказишда бош муҳандис ва меҳнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштирокини таъминлаш, автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбирлар, жадвал ишлаб чиқилсин ва меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши тавсия этилсин.

6. Хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисида”ги буйруқга асосан навбатдан ташқари йўл-йўриқ ўтказилсин.

7. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в.б. Р.А.Иноғомовга хизмат сафарига юборилувчиларга белгиланган тартибда хизмат сафари хужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Р.Асомхўжаев зиммасига юклатилсин.

Бош менежер -
бош муҳандис



Х.Н.Хасилов